

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиб бошланғич синф она тили ва ўқиш дарсларида ўқувчиларни ахлоқий- эстетик тарбиялашнинг аҳамияти.

**Қашқадарё ВХТХҚТМОИ Педагогика, психология ва менежмент
таълими кафедраси мудири Д.С.Шониезованинг методик тавсияси**

Истиқлол шароитида Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек халқининг миллий руҳдаги турмуш тарзидан келиб чиқиб, ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш муаммосини илмий-назарий ишлаб чиқиш бугунги кунда педагогик заруратдир. Ўқувчиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашга ахлоқий-эстетик жихатдан қараш устувор аҳамиятга эга бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг барча мажмуини ўз ичига қамраб олади. Тарбиянинг устуворлиги ҳақидаги бугунги кун талаби эса ўқувчи шахсини шакллантиришда инсонпарварлик ғоясининг ўрни ва муаммосининг нақадар долзарб эканлигини келтириб чиқаради. Айниқса, ўқувчиларни Шарқ мутафаккирларининг инсонпарварлик ғоялари асосида ахлоқий-эстетик тарбиялаш “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг устувор йўналиши сифатида қаралиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни миллий ва маънавий қадриятлар асосида ахлоқий-эстетик тарбиялашда бозор иқтисодиётининг тарбиявий жараёнларга таъсири, мулкчиликка бўлган янғича муносабат, мулкдорлик туйғусининг таркиб топиши, ёшларда “ўзимники” деган тасаввурларнинг келиб чиқиши бугунги педагогика фани олдида уларни жиддий таҳлил қилиб ўрганишни, ундан амалиётда қўллаш имкониятини яратишни, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини долзарб муаммо сифатида қўймоқда. Чунки Шарқ цивилизацияси тараққиётининг маънавий асосларидан бири ҳам – инсонни улуғлаш, унинг камолотини ички ва ташқи дунёси уйғунлигида қарашдан иборатдир.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва умумий таълим мактаблари концепциясида умумий ўрта таълимнинг инсонпарварлик йўналишини кучайтиришда ижтимоий-гуманитар фанлардан кенг фойдаланиш таъкидланади. Бу фанлар орасида адабиёт. Одобрнома ва тарбиявий соат дарслари алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли ўрта умумтаълим мактаб ўқув режасида етакчи ўринни эгаллайди. Умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синфида ўрганиладиган адабиёт ўқув фани мазмунига қирадиган адиблардан А.Навоийнинг асарларида инсонпарварлик руҳи ўзининг сокин ифодасини топган.

Бошланғич синф ўқувчиларини она тили ва адабиёт, одобрнома, ўқиш ва тарбиявий соат дарслари орқали инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат, деб ҳисобладик:

1. Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз асосида ўқувчиларда ахлоқ, маънавият, одоб, эстетик дид ва қараш, гўзал одатларни тарбиялаш.

2. Инсонпарварликнинг асосини ташкил қилувчи саховат, сахийлик ва бошқа сифатларнинг маъносини очиб бериш, уларни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш.
3. Давлат, халқ, жамоатчилик ва ота-она олдидagi ижтимоий бурчни тушунтириш.
4. Миллий ғурур, бурч, шахс қадр-қиммати, ирода, бахт каби тушунчаларни тўғри англаш.
5. Йигит ва қизлар ўртасида ахлоқий соф муносабатни шакллантириш, қизлик шаъни ва ибo-ҳаёсини эъзозлаш, эркаклик қадр-қимматини намоён этиш.
6. Келгуси ҳаётда оилани бошқара олишни ўргатишдан иборат.

Шарқ мутафаккирларининг инсонпарварлик ва демократик ғоялари асосида ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг назарий ва амалий аҳволини аниқлашда адабиёт дарслари билан бирга одобнома, тарбиявий соат дарсларини олдик, чунки мактабларда одоб-ахлоқ ҳақида асосий таълим-тарбия берувчи фанлардир. Жумладан, Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этди. Аммо Алишер Навоий фан ва маданият тарихида тасаввуф, тариқат илмларини яхши эгаллаб, уларни ўзининг бой ҳаётий тажрибасидан ўтказиб, унинг турли жанрларда ёзилган асарларида адабиёт, тасаввуф, фалсафа илмларини уйғунлаштириб, инсонпарварлик ғоясини мукамаллаштирилган йирик мутафаккирдир. Шунинг учун бошланғич синф одобнома дарсларини биз Алишер Навоийнинг буюк мероси билан яна ҳам тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Алишер Навоий: “Инсон боласи туғилганда унинг қалби тоза оқ қоғоздек бўлиб, ҳаёти даврида воқеалар унинг ақлий-ҳиссий кечинмаларидан ўтиб, қалб дафтарига ёзила боради. Қалб дафтари маънавий-ҳиссий бой бўлиши учун ахлоқий-эстетик тарбия инсонпарварлик йўналишда, яъни эзгу ниятлар асосида амалга оширилиши лозим. Эзгу ниятли қалб гўзал қалб бўлиб, ундай инсонларнинг сўзи ҳам, иши ҳам, феъли ҳам гўзал бўлади. Қалб гўзаллиги эса ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Шунинг учун гўзалликни ҳис қилиш ахлоқий ва эстетик сифатлар уйғунлигида амалга ошади”,-деб таъкидлайди.

Ўқувчиларни ахлоқли, одобли, инсонпарвар ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш иши уларнинг ёшлигиданоқ бошланиши зарур. Бошланғич синф бу соҳада дастлабки асосни яратади. Шунинг учун ҳам бошланғич синфда асосий эътибор болани саводли, билимли қилишга қаратилганлиги билан бирга уларнинг ахлоқий-эстетик тарбиясига ҳам қаратилади. Чунки ёшлиқдан берилган тўғри тарбиягина инсоннинг улуғвор келажагини ва тўғри ҳаракатини таъминлайди.

Ўқувчиларда ахлоқий-эстетик тарбиясини шакллантиришда Алишер Навоий меросидан бошланғич синфларданоқ фойдаланиш самарали натижа беради. Биз мавзуимизнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, бошланғич синф дарсликларида Алишер Навоий меросидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Биринчи синф ўқиш дарсларида аجدодлар меросига бағишланган “Биз буюқлар авлоди” бўлимида Алишер Навоий ижодига 3 соат

ажратилган бўлиб, биринчи матннинг номи “Бобокалонимиз Алишер Навоий” деб номланган. Бу матн орқали ўқувчиларга Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид дастлабки маълумотлар берилган.

Бу матн орқали ўқувчилар Алишер Навоийнинг ёшлигиданок илм-хунар ўрганишга қизиққанлиги ва илм-хунар ўрганиш йўлида уялмасдан билмаган нарсаларини сўраб ўрганиши лозим эканлиги ҳақида тушунчага эга бўладилар. Шунингдек, ушбу дарсликда Алишер Навоийнинг куйидаги ҳикматли сўзлари ҳам берилган:

1. Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.
2. Оз-оз ўрганиб доно бўлур
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
3. Чин сўзни ёлғонга чулғама,
Чин айта оладиган тилни ёлғонга булғама.
4. Яхши киши ёмонларга ҳам яхшилигини унутмайди.
5. Яхшиликни билмасанг яхшиларга қўшил.

Бу ҳикматли сўзларни ўрганиш орқали ўқувчиларда тўғрилиқ, ҳалоллик, меҳр-оқибатлиқ, ахлоқлиқ, дид ва фаросатлиқ, билимолишда меҳнатдан қочмаслик каби ижобий фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади.

15-дарсадаги адиб Ойбекнинг қаламига мансуб “Алишернинг ёшлиги” номли ҳикояси билан ўқувчилар таништирилади. Бу ҳикоя ўқувчилар ёшига жуда мос танланган бўлиб, уларда инсонийлик ҳамда табиатга муҳаббатни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

16-дарсадаги “Нон иси” деб номланган ривоят эса, бошланғич синф ўқувчиларида ўткир зехни, эътиборли бўлишни, шунингдек, ўзгалар меҳнатини қадрлаш ва ахлоқий муносабатда бўлиш билан бирга инсонни инсон сифатида қадрлашни ўргатади.

Биринчи синф она тили дарслигидаги 37-машқда Алишер Навоийнинг куйидаги ҳикматли сўзи келтирилган:

Умрни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг калити бил.

Бу машқда асосан ҳарф бирикмалари ҳақида маълумот назарда тутилган бўлса-да, ўқитувчи ҳикматли сўзнинг мазмунини тушунтириш жараёнида ўқувчида ахлоқий фазилатлардан бири – меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш мумкин. Зеро, ҳикматли сўзнинг маъноси ўқувчиларда беҳудага умрни зое кеткизмасдан илм-хунар, меҳнат қилиш зарурлигини, инсон бахт-саодатининг калити ўз ҳалол меҳнатига боғлиқ эканлиги ҳақида маълумот беради.

Иккинчи синф ўқиш дарслигида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид “Алишер билан булбул”, “Шоир билан шоҳ” матнлари ҳамда қўшимча материал сифатида Навоий ҳикматларидан намуналар келтирилган. Ушбу матнлар орқали ҳам ўқувчилар онгига инсон қайси табақага мансуб бўлишидан қатъий назар ахлоқий муносабатда бўлиш, инсон сифатида ўзгалар туйғусини ҳам қадрига етиш каби тушунчалар сингдирилади.

Иккинчи синф она тили дарслигидаги 191-машқда Пўлат Мўмин қаламига мансуб Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган матн ўқиб таҳлили қилиниши жараёнида Алишер Навоий ижодига оид чнги маълумотларга эга бўлиш билан бирга, кишиларнинг исм-шарифи бош ҳарф билан ёзилишини қайта эсга туширади ҳамда билим олишга, ахлоқий фазилатларини шакллантиришга эришиши мумкин.

Учинчи синф ўқиш дарсларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бир қадар кенгроқ тўхталган бўлиб, адиб Ойбекнинг “Бола Алишер” номли уч қисмдан иборат ҳикояси берилган. Бу ҳикояда Алишер Навоийнинг ихлос билан мактабга илк бора қадам қўйгани ҳамда илм олишга бўлган қизиқиши ҳақида баён қилинади. Бу ҳикоя орқали ўқувчиларда илмга, устозга, китобга ва мактабга бўлган ижобий муносабатни шакллантириш мумкин. Шунингдек, ушбу дарсликнинг “Улуғлардан ўрганмоқ оқиллик” бўлимида адиб Пўлат Мўминнинг тўрт қисмдан иборат “Доноларнинг доноси” матни берилган. Ушбу матнда Алишер Навоий ҳаёти, унинг жаҳон адабиёти ва ватан ободончилигига қўшган ҳиссаси ҳақида баён қилинган.

Тўртинчи синф дарсларида Ойбекнинг “Алишернинг ёшлиги” ҳикоясидан парча берилган бўлиб, бу ҳикояда Навоийнинг ёшлиги ҳақида бир қанча кенгроқ тўхталиб ўтилган. Ҳикоя ўқувчиларда табиатга, қушларга, санъатга, илмга, мактабга нисбатан ахлоқий муносабатни шакллантиради. Шунингдек, ҳикоя охирида ўқувчиларга мустақил ишлаш учун “Алишер мен севган қаҳрамон” деган мавзуда иншо ёзиш учун режа ҳам берилган.

Дарсликларни ўрганиш жараёнида 1 соатлик дарс ишланмасини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

Мавзу: Алишер Навоий ҳикматлари (Бошланғич синф “Одобнома” фанидан дарс ишланмаси)

Дарснинг мақсади:

Таълимий мақсад: Буёқ аждодларимиздан Алишер Навоий ҳақида пухта билим бериш, ўқув дастури ҳажмидаги билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларда шахсий ахлоқий сифатларни шакллантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг оғзаки нутқини ўстириш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, аждодларимизга нисбатан ҳавас ҳиссини уйғотиш ва шакллантириш.

Дарснинг услуби: тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, савол-жавоб.

Дарснинг жиҳози: дарслик, компьютер, тарқатма материаллар, мавзуга оид деворий варақа.

Дарснинг бориши: 1. Ташкилий қисм.

Ўқитувчи:

Салом азиз болаларим,
Гулу райхон, лолаларим.
Жажжи ўғил-қизларим
Она юрт эгасисиз,

Истиклол эртасисиз,
Бўлинг ақлу расолар
Ҳам билимдон донолар.

-Қани айтинг болалар
Ким навбатчи бўлади?
Ушбу куннинг ҳисобин,
Менга айтиб беради.

Ўқувчи: Бизнинг 3 “А” синфимизда 34 та ўқувчи бўлиб, шулардан 18 та қиз ва 16 та бола дарсга тайёр. Мен навбатчи Суёнов Диёрбек ҳамма ўртоқларимга дарснинг “Олтин қоидалар”ини эслатмоқчиман!

Ўқитувчи: - Марҳамат, ҳаммамиз диққат қиламиз.

Ўқувчилар:

- Интизомли бўлиш;
- Ўзаро ҳурмат;
- Фол қатнашиш;
- Ҳамкорликда ишлаш;
- Дўстлар фикрини қадрлаш;
- Вақтдан унумли фойдаланиш;
- Рағбат олишга ҳаракат қилиш.

Ўқитувчи:

- Ҳамма дарсга тайёرمи?

Ўқувчилар жўрликда:

Ота-она измидан,
Устозларнинг сўзидан
Бизлар асло чиқмаймиз,
Синфдаги барчамиз
Дарсга шай ғунчамиз.

Ўқитувчи: Болажонлар одоб ҳақида кимлар шеър ва мақол айтади?

Ўқувчи: Офтоб ҳам одоб ҳам яхши (Пўлат Мўмин шеъри).

1-ўқувчи: Офтоб яхши,
Одоб яхшими
Офтоб берар нур,
Одоб-чи хузур.

Мақол: Одобнинг – боши тил.

2-ўқувчи: Лолалар учун
Офтоб яхшидир.
Болалар учун.
Одоб яхшидир.

Мақол: Одобни одобсиздан ўрган.

3-ўқувчи: Офтоб бўлмаса,
Қаронғу тушар.
Одоб бўлмаса,
Ғам-қайғу тушар.

Мақол: Одобли бола – элга манзур.

4-ўқувчи: Офтоб кўринар,
Тоғ тепалиқда.
Одоб кўринар
Салом – алиқда.

Мақол: Сукут – энг буюк одоб.

5-ўқувчи: Одоб ҳар кимнинг
Яхши сўзида
Одоб ҳар кимнинг
Юзи – кўзида.

Мақол: Бола одоби билан – олам офтоби билан азиз.

6-ўқувчи: Оламнинг юзи
Офтобдан исир.
Одамнинг юзи
Одобдан исир.

Мақол: Одобинг саломдан бошланади.

7-ўқувчи: Оламнинг доим
Офтоби бўлсин.
Одамнинг доим
Одоби бўлсин.

Мақол: Одоб кишининг зебу – зийнати.

Бу ўқувчилар рағбатлантирилади.

Уйга вазифани сўраб, баҳолаш:

Мавзу: Юсуф Хос Хожиб бобомиз.

Кластер усули ва ҳарфий жумбоқни ечиш орқали ўқувчилар билими баҳоланади.

Қувноқ дақиқа.

Элакда ун эланди
Сурпа унга беланди.
Хамир қилдик кўпгина
Кулча ёпдик тезгина.

Янги мавзунинг баёни: Алишер Навоий ҳикматлари.

Ўқитувчи: Биз аждодларимиз билан фахрланамиз. Бобомиз Алишер Навоий шоир, олим ва давлат арбоби бўлган. У 1441 – йил 9 – февралда Ҳиротда таваллуд топган. 5-6 ёшлариданоқ кўп шеър ва дostonларни ёд олган. Бобомиз Алишер Навоий бизга жуда кўп асарлар ёзиб қолдирганлар. Улар орасида одоб-ахлоққа доир китоблар ҳам бор.

Бобомиз А.Навоий ҳақидаги энг яхши таърифни юртбошимиз И.А.Каримов айтганлар, яъни 2008 йилда чоп этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида шундай дейилган: “Агар Навоийни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير”.

- Қани ҳаммамиз кўз олдимизга бобомизнинг сиймосини гавдалантиришга ҳаракат қиламиз.

Алишер Навоий сиймосидаги ўқувчи даврага кириб келади:

-Во ажаб бу не ҳол

Ҳамма ўзгача либосда,
Ушбу лобар қизлар маликаларму
Йиғитчалар кимлар шахзодалар-му?
Илмдан касб қилки, суд эрмас
Чарх мушқиларини, ҳал қилмоқ.
Лекин ул илм доғи наф этмас
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

Болажонларим, мен ҳақимда неларни билурсизлар, бундан ўзим хабардор бўлмоқчиман.

Ўқитувчи: Марҳамат бобожон (Кичик сахна кўриниши).

Мир Алишер олдиға бир одам келибди-да ўзининг саломатлиги ёмонлигидан шикоят қилиб: - “Мавлоно Мир Алишер, сиз кўпни кўрган доно одамсиз, шоирсиз, адолатпарвар амирсиз, аммо табиблиқдан хабарингиз йўқлиги жуда ёмонда” – дебди.

Қаерингиз оғрийди? – деб сўрабди Мир Алишер.

Ўзим ҳам билмайман, ҳамма жойим оғрийди, - деб жавоб берибди ҳалиги киши.

- ундай бўлса, бир шифоси бор, дебди Мир Алишер, - ҳар куни эрталаб бир намоз вақти, пешинда бир намоз вақти, кечқурун яна бир намоз вақти давомида ер чопиб, қолган пайтларда ўзингизнинг касбингизни қилинг, иншооллоҳ, тезда тузалиб кетасиз... Орадан бир неча вақт ўтгач ҳалиги одам яна Мир Алишернинг олдиға кириб келиб:

- Мени танидингизми тақсир? – деб сўрабди.

- Танишга танидимку-я, аммо саломатлигингиз қалай? – дебди Мир Алишер.

- “Отдайман. Шоирдан ҳам табиб чиқар эканда. Сизнинг айтганингизни қилиб тамомила дарддан халос бўлдим”, - дебди у киши мамнун бўлиб.

(Ўқитувчи сахна кўринишини хулосалайди).

Алишер Навоий ҳикматларидан намуналар:

Иззат тиласанг кам де

Сиҳат тиласанг кам е.

Бефойда сўзни кўп айтма,

Фойдали сўзни кўп эшитурдан қайтма.

Бошни фидо айла, ато қошиға

Жисмни қил садқа ано бошиға.

Алишер Навоий сиймосидаги ўқувчи: Баракалло азиз болажонларим, мен ҳақимда яхши нарсаларни билар экансизлар. Давонлар оша баркамоллик сари интилаверинг, ўқишларингизга омад.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиши ранж ила

Айламак, бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила.

1-ўқувчи: *Бугун бизлар баркамол авлод*

Шу ватаннинг юксак ардоғи

Азим чинор бўлса гар ватан,

Бизлар унинг кўрки, япроғи.

2-ўқувчи: *Мағрур дилда муқаддас мақсад,*

Шу ватаннинг корига яраш.

*Ва шувирда босилган дастхат,
Тиниқиб турар кенг дунёқараш.*

3-ўқувчи: *Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Кам бўлмаймиз илло ҳеч қачон.
Биз биртанмиз собит қадаммиз,
Келажаги буюк давлатмиз.*

4-ўқувчи: *Биз баркамол ўқтам авлодмиз
Келажаги буюк давлатмиз.*

Қуйидаги ўқувчилар рағбатлантирилади.

Янги мавзуни мустақамлаш:

Ўқитувчи қўлида кубик олибсўрайди:

- Болалар менинг қўлимда нима бор?

Ўқувчилар: - кубик бор.

Ўқитувчи: тўғри топдингиз. Мана шу кубик орқали янги мавзуни мустақамлаб оламиз. Мен кубикни айлантираман, сиз эса ёзувларни жўр овозда ўқийсизлар.

Ўқувчилар: - Ҳикмат.

Ўқитувчи ҳикмат сўзининг маъносини сўрайди ва яна кубикни айлантиради.

Ўқувчилар: - Давлат арбоби.

Ўқувчилар давлат арбоби ҳақида ўз тушунчаларини айтадилар. Ўқитувчи яна кубикни айлантиради.

Ўқувчилар: - Шоир.

Ўқувчилар шоир сўзини ўқийдилар ва ўз тушунчаларини айтадилар.

Ўқитувчи яна кубикни айлантиради.

Ўқувчилар: - Олим.

Ўқувчилар олим сўзини ўқийдилар ва ўз тушунчаларини айтадилар.

Ўқитувчи яна кубикни айлантиради.

Ўқувчилар: - Туғилган сана.

Ўқувчилар туғилган сана сўзини ўқийдилар ва ўз тушунчаларини айтадилар.

Уйга вазифа: Алишер Навоий ҳикматларини ўрганиш ва ёд олиб келиш.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулосага келдикки, агар бошланғич синф дарсликларида Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари асосидаги маълумотлар кенгроқ ёритилса ва ўқитувчилар томонидан таълим-тарбия жараёнида моҳирлик билан тарғиб қилинса, бизнингча:

- бола жамият учун фойдаси тегадиган комил инсон бўлиб улғаяди;

- илм инсон камолоти учун энг зарур фазилят ҳамда меҳнат-бойлик ва фаровон турмушнинг манбаи эканлиги ўқувчилар онгига сингдирилади;

- ўқувчи одамлардан ажралиб, яққаланиб қолган, жамият таъсиридан ташқарида бўлган киши инсон қаторига кира олмаслигини тушуниб етади;

- ҳақиқий инсон, ҳалол-поқ, инсофли, меҳнатсевар, тўғри сўз, саховатли, ҳаёли, мурувватли, камтарин шахсдир деган ғояларнинг асл моҳиятини англайди;

- тарбиянинг ёшларни билимли, меҳнатсевар, инсонпарвар, ахлоқ-одобли, яхши фазилят эгалари қилиб вояга етказиш, деб номланган мақсади амалга ошади.